

FARG'ONA VILOYATI
HOKIMINING
QARORIПОСТАНОВЛЕНИЕ
ХОКИМА
ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ

2016 yil "13" avgust № 252

Farg'ona shahri

Вилоятда таълим муассасаларини 2016-2017 ўқув йилига пухта тайёрлаш ишларини яқунлаш ҳамда янги ўқув йили бошланиши олдидан ота-оналар учун қулайлик яратиш мақсадида мактаб ярмаркаларини тизимли равишда ташкил этиш борасида раҳбарларнинг масъулиятини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида

Вилоятда ёш авлодни баркамол вояга етказиш, уларни таълим-тарбия олишлари учун барча шароитларни яратиш, янги ўқув дастурлари ва педагогик технологияларни жорий этиш, таълим муассасаларини замонавий мебеллар, компьютерлар ва мультимедия воситалари билан жиҳозлаш, дарсликлар ва бадий адабиётлар фондиди бойитиш ҳамда моддий техника базасини мустаҳкамлаш борасида аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, таълим муассасаларини, айниқса ўқиш хоналари, ошхона, ётоқхоналар, спорт майдонлари ва муассасалар худудларини таъмирлаш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларини яқунлашга барча ресурслар сафарбар этилган.

Ҳар йили, анъанага айланган янги ўқув йили бошланиши олдидан ота-оналар ва ўқувчилар учун қулай шароитлар яратиш, ўқувчи ва талабаларни асосий турдаги ўқув куроллари, дарсликлар, мактаб формалари, кийим-кечаклар ва пойабзаллар, спорт кийимлари билан таъминлаш мақсадида мактаб ярмаркаларини тизимли равишда ташкил этиш ва ўтказиш чоралари кўрилмоқда.

Бунда ҳар бир "Мактаб ярмаркалари" ўтказиладиган жойларда талаб этилган миқдордаги товарлар билан таъминлаш ва белгиланган нархларда маҳсулотларнинг савдосини ташкил этиш учун маҳаллий ишлаб чиқарувчи енгил ва чарм-пойабзал саноат корхоналари, тадбиркорлик субъектлари бириктириб чиқилди.

Лекин, бир қатор маҳаллий ҳокимликлар ва таълим муассасалари масъул раҳбарларининг эътиборсизлиги, ўз вазифасига совуққонлик билан қараётганлиги оқибатида таълим муассасаларида янги ўқув йилига ва кузги-қишги мавсумга тайёргарлик ишлари, хусусан синф хоналар, ошхона, ётоқхоналарда таъмирлаш ишлари кечикмоқда, муассасалар атрофларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари яқунига етказилмаган.

2016/2017 ўқув йилига тайёргарлик кўриш ва "Мактаб ярмаркалари" ташкиллаш масалалари юзасидан раҳбарларни масъулиятини ошириш шунингдек, жорий йил 9 август куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг селектор йиғилишида берилган топшириқларни ва

белгилаб берилган вазифаларни сўзсиз бажариш ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6,25-моддаларига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 9 августдаги таълим муассасаларини 2016/2017 ўқув йилига пухта тайёрлашнинг бориши ва жойларда “Мактаб ярмаркалари”ни ташкил этиш масалаларига бағишлаб ўтказилган селектор йиғилиши топшириқлари ва белгилаб берилган вазифалар раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Вилоятда таълим муассасаларини янги ўқув йилига пухта тайёрлашни ташкиллаш ва назоратини таъминловчи ҳамда “Мактаб ярмаркалари”ни юқори савияда ўтказишни ташкил этишга кўмаклашувчи вилоят ҳокимлигининг Ишчи гуруҳи таркиби (*кейинга матнда Ишчи гуруҳ деб номланади*) **1-иловага**, таълим муассасаларини янги ўқув йилига пухта тайёрлашни таъминлаш ҳамда “Мактаб ярмаркалари”ни юқори савияда ўтказишни ташкиллашга масъул бўлган шаҳар ва туманларга вилоят ҳокимлигидан бириктирилган раҳбарлар таркиби **2-иловага** ва уларнинг вазифалари **2а-иловага**, Халқ таълими, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳамда олий таълим муассасаларида янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш, таълим муассасаларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш ҳамда “Мактаб ярмаркалари”ни юқори савияда ташкиллаш юзасидан амалга ошириладиган Чора-тадбирлар режаси **3-иловага**, барча шаҳар ва туманларда “Мактаб ярмаркалари” дислокацияси, талаб этиладиган ўқув қуроллари, мактаб ва спорт формалари, пойабзаллар ҳамда бошқалар маҳсулотлар талаби, бириктирилган таъминотчи маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар ва тадбиркор рўйхати **4, 4а, 4б, 4в-иловаларга**, “Мактаб ярмаркалари”да сотилиши зарур бўлган ўқув қуроллари, кийим-кечаклар ва пойабзаллар рўйхати **5-иловага**, таълим муассасаларини ўқув йилига тайёрлаш ишларини боришини ва “Мактаб ярмаркалари”ни юқори савияда ташкиллаш ишларини мунтазам равишда ўрганувчи мониторинг гуруҳи таркиби **6-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ишчи гуруҳи (Б.Пўлатов)га:

вилоятда таълим муассасаларини янги ўқув йилига ҳамда куз-қиш мавсумига тайёрлаш тайёрлаш бўйича олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштириш, инвестиция дастури доирасида ҳамда маҳаллий бюджет ҳисобидан амалга оширилаётган қурилиш ва таъмирлаш ишларини жорий йилнинг 20 августига қадар тўлиқ якунлаш;

барча шаҳар ва туманларда жорий йилнинг 10 августидан 10 сентябрига қадар бозорлар ва савдо комплексларида, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида “Мактаб ярмаркалари” ўтказилишини назорат қилиш вазифалари юклатилсин.

4. Таълим муассасаларини янги ўқув йилига пухта тайёрлашни таъминлаш ҳамда “Мактаб ярмаркалари”ни юқори савияда ўтказишни

ташқиллашга масъул бўлган шаҳар ва туманларга вилоят ҳокимлигидан бириктирилган вакилларга:

Ўзлари бириктирилган ҳудудларда маҳаллий ҳокимликлар ва таълим муассасалари раҳбарлари билан биргаликда таълим муассасаларини янги ўқув йилига пухта таёрлаш ишларини 25 августгача якунлаш;

“Мактаб ярмаркалари”ни юқори савияда ташқиллаш, талаб этиладиган ўқув куроллари ва бошқа товарларнинг тўлиқ мавжудлигини таъминлаш, нархларни ошиб кетмаслиги устидан назоратни амалга ошириш, барча жойларда тўлов терминаллар орқали савдоларни ташқил этиш ҳамда 2а-иловада белгиланган бошқа вазифаларни амалга ошириш;

ҳар куни амалга оширилган ишлар ва мавжуд муаммолар тўғрисида маълумотларни вилоят ҳокимлиги Ишчи гуруҳига киритиб бориш топширилсин.

5. Таълим муассасаларини ўқув йилига пухта тайёрлаш ишларини боришини ва “Мактаб ярмаркалари”ни юқори савияда ташқиллаш ишларини ўрганувчи мониторинг гуруҳи (Л.Валиев) мунтазам равишда Фарғона Телерадиокомпаниясини ва бошқа маҳаллий телевиденияларни жалб этган ҳолда янги ўқув йилига тайёргарлик ишларини бориши, маъсул раҳбарларнинг бу борадаги фаолиятининг самарадорлигини, “Мактаб ярмаркалари”ни ташқиллаш сифати, талаб этиладиган маҳсулотларнинг мавжудлиги ва уларни белгиланган нархларда савдосини ташқил этилганлиги, тўлов терминалларининг мавжудлиги, ота-оналарнинг муносабатларини танқидий ўргансин ҳамда ҳар куни вилоят ҳокимига маълумотлар киритсин.

6. Халқ таълими бошқармаси (З.Тешабоев), Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси (М.Холдоров), барча Олий ўқув юртлари (О.Отақулов, А.Хаитбаев, Х.Хонбобоев, Б.Мирзакаримов, Х.Маматқулов) раҳбарларига:

ҳар бир таълим муассасаларини тўлиқ ва сифатли қилиб янги ўқув йилига тайёрлаш, синф хоналари, аудиториялар, ошхона, ётоқхоналар, муассасалар ҳудудларини таъмирлаш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларини 25 августга қадар якунлаш чораларини кўриш;

куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари доирасидаги барча тадбирларни белгиланган муддатларда якунлаш;

барча муассасаларни педагог-кадрлар билан тўлиқ таъминлаш, янги ўқув дастурлари, педагогик технологиялар асосида таълим беришни ташқил этиш, таъминоти белгиланган оргтехникалар, мебель жихозлари, дарсликлар ва бошқалар билан таъминлашни ташқил этиш;

ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларига умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини, айниқса қизларни тўлиқ қамраб олиш, четга иш излаб кетган ўқувчиларни қайтариш чораларини кўриш;

“Мактаб ярмаркалари”ни юқори ташқилотчиликда ва сифатли қилиб, талаб этиладиган барча маҳсулотлар билан таъминлаган ҳолда, ота-оналар учун барча қулай шароитларни яратган ҳолда ташқиллаш вазифалари юклатилсин.

7. Вилоят ҳокими ўринбосари О.Ахмедов вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси” (Р.Пирматов), Архитектура-қурилиш назорати инспекцияси (Д.Ходжихмедов), шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда 2016 йил Инвестиция дастурига тушган барча таълим муассасаларида қурилиш монтаж ишларини жорий йил 20 августига қадар тўлиқ яқунлашни таъминласинлар. Бунда, таълим муассасалари ҳудудларини қурилиш чиқиндиларидан тозалаш, атрофни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга алоҳида эътибор қаратилсин.

8. Вилоят ҳокимининг ўринбосари С.Кўчқоров Молия бошқармаси (А.Ортиқов) ва Ғазначилик бошқармаси (У.Мирзаев) билан биргаликда таълим муассасаларини янги ўқув йилига тайёргарлик кўришларига, куз-киш мавсумига тайёргарлик кўриш, кўмир ёқилғиси ва асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захирасини яратишга ажратилган бюджет маблағларини тўлиқ ва ўз вақтида ажратилиши ҳамда молиялаштирилишни таъминласинлар.

9. Барча шаҳар ва туманлар ҳокимлари:

Ўз ҳудудларидаги барча таълим муассасаларини янги ўқув йилига тайёрлаш ишларини барча ресурсларни сафарбар қилган ҳолда 25 августга қадар тўлиқ тайёрлаш ишларини яқунласинлар;

“Мактаб ярмаркалари”да барча талаб этиладиган маҳсулотларни етарли даражада таъминлаш, ярмаркаларга маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни жалб этиш ва соғиладиган маҳсулотлар нархларини белгиланган меъёрларда бўлишини ва тўлов терминаллари билан тўлиқ таъминланишини ташкил этсинлар.

10. Рақобат бошқармаси (В.Назаров) Солиқ бошқармаси (А.Тешабоев), Марказий банк бош бошқармаси (Д.Алиев), тижорат банклари раҳбарлари билан биргаликда барча “Мактаб ярмаркалари”да нарх-наволарни белгиланган меъёрлардан юқори нархларда сотилишига йўл қўймаслик, барча савдо нуқталарини тўлов терминаллари билан таъминланишини ва талаб этиладиган маҳсулотларни тўлиқ ассортиментда бўлишини ташкил этиш;

аниқланган тартиб бузилиши ҳолатлари юзасидан тегишли ўрнатилган тартибда чоралар кўриш;

ҳар куни ўрганиш яқунлари бўйича маълумотларни мониторинг гуруҳига умумлаштириш учун киритиб бориш вазифалари юклатилсин..

11. Вилоят Ички ишлар бошқармаси (А.Султанов) “Мактаб ярмаркалари” ўтказиладиган бозорлар ва савдо комплекслари, умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллежларида жамоат тартибини сақлаш, ёнгин ва йўл ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлаш ҳамда жамоат транспортини ҳаракатини тартибга солиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, ижросини таъминласин.

12. Фарғона вилоят Телерадиокомпанияси (Ж.Мамарасулов), “Фарғона ҳақиқати” ва “Ферганская правда” газеталари бирлашган тахририяти (Н.Собиров), барча вилоят оммавий ахборот воситаларига таълим муассасаларини янги ўқув йилига тайёрлаш, “Мактаб бозорлари”ни ташкиллаш борасида олиб борилаётган жараёнини уюшқоқлик билан,

тартибли, хавфсизликни таъминлаган ҳолда юқори савияда ўтказиш, белгиланган нархларда савдоларни иашкил этилганлиги юзасидан амалга оширилаётган тадбирларни кенг жамоатчиликка етказиш бўйича туркум кўрсатувлар, эълонлар, роликлар намойиш этиш ва мақолалар чоп этилишини ташкил қилиш тавсия этилсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Пўлатов, ҳоким ўринбосарлари О.Ахмедов, С.Қўчқоров Т.Тожиевалар зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими

Ш.Ғаниев.

Вилоят ҳокимининг
2016 йил 13 августдаги
252 - сонли қарорига
1-илова

Вилоятда таълим муассасаларини янги ўқув йилига пухта тайёрлашни
ташқиллаш ва назоратини таъминловчи ҳамда “Мактаб ярмаркалари”ни
юқори савияда ўтказишни ташқил этишга кўмаклашувчи вилоят
ҳокимлигининг
ИШЧИ ГУРУҲИ ТАРКИБИ

№	Ф.И.Ш	Лавозими
1.	Б.Пўлатов	Фарғона вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари – Ишчи гуруҳ раҳбари
2.	С.Кўчқоров	Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари - Ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари
3.	О.Ахмедов	Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари - Ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари
4.	Т.Тожиева	Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари - Ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари
Ишчи гуруҳ аъзолари		
5.	З.Тешабоев	Халқ таълими бошқармаси бошлиғи
6.	М.Холдорев	Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи
7.	А.Хаитбаев	Фарғона Давлат университети ректори
8.	О.Отақулов	Фарғона политехника институти ректори
9.	Х.Хонбобоев	Кўқон педагогика институти ректори в.б
10.	Б.Мирзакаримов	ТАТУ Фарғона филилали директори
11.	Х.Маматқулов	ТГА Фарғона филилали директори
12.	А.Тешабоев	Солиқ бошқармаси бошлиғи
13.	А.Ортиқов	Молия бошқармаси бошлиғи
14.	Д.Алиев	Марказий банк бош бошқармаси бошлиғи в.б
15.	В.Назаров	Рақобат бошқармаси бошлиғи ўринбосари
16.	М.Дехқонов	Меҳнат бошқармаси бошлиғи ўринбосари
17.	Б.Элчиев	“Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими раиси
18.	Ш.Полвонов	“Камолот” ЁИҲ вилоят Кенгаши раиси
19.	У.Абдуллаев	“Фарғона электр тармоқлари” АЖ директори
20.	А.Эргашев	“Водийгазтаъминоғ” УК директори
21.	М.Юлдашев	“Сувокава” ДУК бошлиғи
22.	С.Солиев	“Фарғонаавтойўл” ХИФТ директори
23.	Ф.Арслонзода	“Ўзбеккўмир” дистрибуторлик маркази вилоят бўлими раҳбари

**Таълим муассасаларини янги ўқув йилига пухта тайёрлашни
 таъминлаш ҳамда “Мактаб ярмаркалари”ни юқори савияда ўтказишни
 ташкиллашга масъул бўлган шаҳар ва туманларга вилоят
 ҳокимлигидан бириктирилган раҳбарлар**

ТАРКИБИ

Т/р	Шаҳар ва туманлар номи	Ф.И.Ш.	Иш жойи ва лавозими
1.	Фарғона ш.	О.Махмудов	Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи
2.	Қўқон ш.	З.Тешабоев	Вилоят Халқ таълими бошқармаси бошлиғи
3.	Марғилон ш.	А.Хаитбаев	Фарғона давлат университети ректори
4.	Қувасой ш.	А.Якубов	Вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врач
5.	Бағдод т.	М.Назаралиев	Вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи
6.	Бешариқ т.	М.Дехқонов	Меҳнат бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари
7.	Бувайда т.	Р.Камолов	ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши раиси
8.	Данғара т.	Ғ.Мадакимов	Вилоят Рақобат бошқармаси бошлиғи в.б
9.	Ёзёвон т.	Б.Жалилова	Матбуот тарқатувчи шўъба корхонаси раҳбари
10.	Қува т.	Б.Элчиев	“Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бошқаруви раиси
11.	Қўштепа т.	М.Холдорев	Вилоят Ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи
12.	Олтиариқ т.	Н.Худойбергенов	“Соғлом авлод учун” жамғармаси вилоят бўлими раҳбари
13.	Риштон т.	И.Жалилов	Вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи
14.	Сўх т.	Ф.Зоҳидов	Маънавият-тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари
15.	Тошлоқ т.	Н.Собиров	“Фарғона ҳақиқати” ва “Ферганская правда” газеталари бирлашган таҳририяти бош муҳаррири
16.	Учқўприк т.	Ш.Полвонов	“Камолот” ЁИХ вилоят Кенгаши раиси
17.	Ўзбекистон т.	Б.Султонов	Вилоят Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси бошлиғи
18.	Фарғона т.	Ғ.Мамажонов	Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими бошлиғи
19.	Фурқат т.	Т.Саримсақов	Қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раҳбари

Таълим муассасаларини янги ўқув йилига пухта тайёрлашни таъминлаш ҳамда “Мактаб ярмаркалари”ни юқори савияда ўтказишни ташкиллашга масъул бўлган шаҳар ва туманларга вилоят ҳокимлигидан бириктирилган раҳбарларнинг вазифалари

Халқ таълими, Ўрта-махсус касб-хунар таълими ва олий таълим муассасаларида инвестиция дастури доирасида ҳамда маҳаллий бюджет ҳисобидан амалга оширилаётган қурилиш ва таъмирлаш ишларини жорий йилнинг 20 августига қадар тўлиқ якунланишини, муассасалар ҳудудларини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларини сифатли қилиб амалга оширилишини таъминлаш.

Таълим муассасаларида ўқувчиларни таълим-тарбия олишлари учун барча шароитларни яратилганлиги, янги ўқув дастурлари ва педагогик технологияларни жорий этилиши, таълим муассасаларини замонавий мебеллар, компьютерлар ва мультимедия воситалари билан жихозланиши ҳолатини ўрганиш.

барча таълим муассасаларини, айниқса чекка ва узоқ қишлоқлардаги муассасаларни малакали педагог-кадрлар билан таъминлаш, ўқув фанлари бўйича ўқитувчилар етишмайдиган муассасаларга кадрларни йўналтириш, уларнинг яшашлари ва жамоат транспортида қатнашлари учун маҳаллий ҳокимликларни имкониятларидан келиб чиқиб шароитлар яратиш бўйича таклифлар тайёрлаш.

ўрта-махсус касб-хунар таълими муассасаларига 9-синф битирувчиларни, айниқса қизларни тўлиқ жалб этиш устидан назоратни таъминлаш. Бунда тест синовлари ўтказилган академик лицей ва касб-хунар коллежларидан қайтган ўқувчиларни ҳужжатлари юборилган коллежларга тўлиқ қамраб олиниши, дарсларга ўз вақтида қатнашишларини таъминлаш.

таълим муассасаларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш, белгиланган режалар асосида иситиш қозонларини ўрнатиш, етарли миқдордаги ойна ва плёнка, кўмир ёқилғиси ва ўтин заҳирасини яратишга кўмаклашиш.

барча шаҳар ва туманларда жорий йилнинг 10 августидан 10 сентябрга қадар бозорлар ва савдо комплексларида, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида “Мактаб ярмаркалари” ўтказилишини ташкиллаш, уларда талаб этиладиган ўқув қуроллари, мактаб ва спорт формалари, пойабзаллар ҳамда бошқалар маҳсулотларни тўлиқ мавжудлигини таъминлаш, ушбу товарларни белгиланган нархларда сотилишини устидан назоратни ташкил этиш.

“Мактаб ярмаркалари”да ота-оналар учун қулай шароитлар яратиш мақсадида барча турдаги тўловлар асосида савдоларни ташкил этиш, пластик карталар асосида савдо қилиш учун тўлов терминаллари билан тўлиқ таъминлаш.

Халқ таълими, ўрта махсус, касб-хунаар таълими ҳамда олий таълим муассасаларида янги ўқув йилига тайёргарлик
 кўриш, таълим муассасаларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш ҳамда “Мақтаб ярмаркалари”ни юқори савияда
 ташкиллаш юзасидан амалга ошириладиган
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

т/р	Тадбирлар режаси	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар
Халқ таълими тизимида:			
1. “Мақтаб ярмаркалари” бўйича амалга ошириладиган вазифалар			
1.1	Вилоят халқ таълими бошқармасида ишлаб чиқилган дислокация асосида шаҳар, туманлардаги умумтаълим мактабларининг 114 тасида “Мақтаб ярмаркалари”ни ташкил этиш ва масъуллар тайинлаш.	2016 йил 1 августга қадар	Вилоят халқ таълими бошқармасининг дарсликлар ва ўқув хужжатлари бўлими, шаҳар, тумандан бриктирилган масъул ходимлар
1.2	Мақтаб ўқув куроллари, дарсликлар, адабиётлар, болалар кийим-кечаклари ҳамда пойфзаллар ишлаб чиқарувчи тадбиркорларни худудлар бўйича аниқлаш ва уларни жойларда ташкил этилаётган мактаб ярмаркаларига бириктириш.	2016 йил 10 августга қадар	Шаҳар, туман ХТМФМТТЭ бўлимларига қаршли “Мақтаб ярмаркалари” ташкил этилган мактаб раҳбарлари ва ХТМФМТТЭБининг масъул ходимлари билан ҳамкорликда
1.3	Жойларда хусусий тадбиркорларни кенг жалб қилган ҳолда мактаб ярмаркалари орқали тақдим этиладиган ўқув куроллари захирасини яратиш ва уларни мактаб ярмаркаларига ўз вақтида етказиб берилишини таъминлаш.	2016 йил 10 августгача	Шаҳар, тумандан бриктирилган масъул ходимлари бозор маъмурияти билан ҳамкорликда

1.4	Ота-оналарга қулайлик яратиш мақсадида шаҳар, туман молия бўлимлари билан келишган ҳолда “Мақтаб ярмаркалари” да пластик карточкаларга савдо қилиш учун терминаллар ташкил этиш.	2016 йил 10 августдан 10 сентябргача	Шаҳар, туман ХТМФМТТЭ бўлимлари, Мақтаб раҳбарлари ва молия бўлимлари билан ҳамкорликда
1.5	“Мақтаб ярмаркалари” да сотилаётган махсулотларни Ўзбекистон Республикасидаги амалдаги стандартлар талабларига жавоб беришда ҳамда нарх наволарни сунъий равишда ошиб кетишига йўл қўймаслик чораларини кўриш, мазкур ҳолатларни олдини олиш учун кундалик мониторинг ишларини олиб бориш.	2016 йил 10 августдан 10 сентябргача	Шаҳар, туман ХТМФМТТЭ бўлимлари, Мақтаб раҳбарлари
1.6	“Мақтаб ярмаркалари” фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш.	2016 йил 10 августдан 10 сентябргача	Шаҳар, туман ХТМФМТТЭ бўлимлари, Мақтаб раҳбарлари
1.7	Ёнғинга қарши, санитария ҳамда бошқа зарур хавфсизлик чораларини кўриш.	2016 йил 10 августдан 10 сентябргача	Шаҳар, туман ХТМФМТТЭ бўлимлари, Мақтаб раҳбарлари
	2. Янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш бўйича:		
1.8	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 25 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги Инвестиция тўғрисидаги” ПҚ-2458-сонли қарори бўйича 24 та объектлардан 18 таси топширилиб, қолган 6 та объектлардаги қурилиш-таъмирлаш ишларини якунига етказиш.	2016 йил 15 август	Вилоят “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси, Халқ таълими бошқармаси, Туман(шаҳар) ҳокимлари, ХТМФМТТЭ бўлимлари, Мауассаса раҳбарлари
1.9	Мақтабгача таълим тизimini янада ривожлантириш Дастури доирасида жорий йилда 36 та болалар боғчасини мукаммал таъмирлаш ишларини якунлаш.	2016 йил 30 август	Вилоят “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси, Халқ таълими бошқармаси, Туман(шаҳар) ҳокимлари, ХТМФМТТЭ бўлимлари, Мауассаса раҳбарлари

1.10	Жорий таъмирланган 186 та муассасалардан 173 та си таъмирланди. Қолган 13 та муассасаларда жорий таъмирлаш ишларини якунлаш	2016 йил 20 август	Халқ таълими бошқармаси, Туман(шаҳар) ҳокимликлар, ХТМФМТГЭ бўлимлари, Мауассаса раҳбарлари
1.11	Барча таълим муассасалари худудини ободонлаштириш ҳолатини хатловдан ўтказиш ва ободонлаштириш ишларини босқичма-босқич ташкил этиш	2016 йил давомида	Халқ таълими бошқармаси, Туман(шаҳар) ХТМФМТГЭ бўлимлари, Мауассаса раҳбарлари
1.12	2016-2017 ўқув йили бошланишидан олдин вилоятда ва барча туман, шаҳарларда анъанавий август кенгашларини ўтказиш	2016 йил 20 августга қадар	Халқ таълими бошқармаси, Туман(шаҳар) ХТМФМТГЭ бўлимлари, Мауассаса раҳбарлари
1.13	Бошқарма тасарруфидаги барча таълим муассасаларини янги ўқув йилида чет тили фанидан вакант бўлган 18 нафар педагог ходимлар билан таъминлаш	2016 йил 20 августга қадар	Халқ таълими бошқармаси, Туман(шаҳар) ХТМФМТГЭ бўлимлари, Мауассаса раҳбарлари
1.14	2016-2017 ўқув йилида биринчи синфга қабул қилинадиган 66311 нафар болаларни “Президент совғаси” ўқув куроллари тўпламлари билан таъминлаш.	2016 йил 25 августга қадар	Халқ таълими бошқармаси, Туман(шаҳар) ХТМФМТГЭ бўлимлари, Мауассаса раҳбарлари
1.15	2016-2017 ўқув йилида 1,-2,-3,-4,-5 - синфлар учун жами 2 776 647 дона (жумладан 1-синфлар учун 857 461 дона, 2-синфлар учун 666 428 дона, 3-синфлар учун 652 315 дона, 4-синфлар учун 1 номда 58 557 дона, 5-синфлар учун 2 номда 124 280 дона, махсус мактаб-интернатлари учун 9 484 дона янги ижара дарсликлари ва ўқув-методик қўлланмалари билан таъминлаш.	2016 йил 25 августга қадар	Халқ таълими бошқармаси, Туман(шаҳар) ХТМФМТГЭ бўлимлари, Мауассаса раҳбарлари
	3. Куз-қиш мавсумига тайёргарлик бўйича:		
1.16	Таълим муассасасида 9399 кв/м том қисмларидан 8859 кв/м томлар таъмирланган. Қолган 540 кв/м томларни таъмирлаш ишларини якунлаш	2016 йил 15 август	Халқ таълими бошқармаси, Туман(шаҳар) ХТМФМТГЭ бўлимлари, Мауассаса раҳбарлари
1.17	Таълим муассасасида 27573 п.м ички ва ташқи иситиши тизимидан 24828 п.м қисми таъмирланган. Қолган 2745 п.м ички ва ташқи иситиши тизимларни таъмирлаш ишларини якунлаш	2016 йил 15 август	Халқ таълими бошқармаси, Туман(шаҳар) ҳокимликлар, ХТМФМТГЭ бўлимлари, Мауассаса раҳбарлари

1.18	Таълим муассасаларига 40,6 минг тонна кўмир ёкилғисидан 11,6 минг тонна жамғарилди. Қолган 29,01 тонна кўмир захирасини жамғариш ишларини якунлаш	2016 йил 1 октябр	Халқ таълими бошқармаси, Худудий Дистрибуторлик маркази, Туман(шаҳар) ҳокимликлар, ХТМФМТГЭ бўлимлари, Мауассаса раҳбарлари
1.19	Таълим муассасаларида 189 та қозонхоналардан 172 таси таъмирланди. Қолган 17 та қозонхоналарни таъмирлаш ишларини якунлаш	2016 йил 20 август	Халқ таълими бошқармаси, Туман(шаҳар) ҳокимликлар, ХТМФМТГЭ бўлимлари, Мауассаса раҳбарлари
Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида:			
	“Мактаб ярмаркалари” бўйича амалга оширилаётган вазифалар		
2.1	Вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими худудий бошқармаси тасарруфидаги 41 та ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида “Мактаб ярмаркалари”ни ташкил этиш бўйича дислокация ишлаб чиқиш.	2016 йил 1 август	Бошқарманинг ўқув-методик таъминлаш бўлими, маслаҳатчи методистлар хизмати, худудий бошқарманинг туман, шаҳарлардаги координатор директорлари
2.2	Ўқув жараёнида фойдаланиладиган ўқув қуроллари, ўқувчилар уст-бош кийимлари, пойфазал ишлаб чиқарувчи тадбиркорларни маҳаллий ҳокимиятлар билан келишган ҳолда жойлардаги “Мактаб ярмаркалари” ўтказиладиган таълим муассасаларига бириктириш.	2016 йил 10 август	Бошқарманинг ўқув-методик таъминлаш бўлими, маслаҳатчи методистлар хизмати, худудий бошқарманинг туман, шаҳарлардаги координатор директорлари
2.3	“Мактаб ярмаркалари” ташкил этиладиган таълим муассасалари раҳбарлари томонидан “Мактаб ярмаркалари”га бириктирилган ишлаб чиқарувчилар ва хусусий тадбиркорларга етарли шарт-шароитлар яратиб бериш ҳамда бу худудларда ёнгин хавфсизлик қоидаларига ва тозалikka алоҳида эътибор бериш.	2016 йил 10 август	Бошқарманинг ўқув-методик таъминлаш бўлими, маслаҳатчи методистлар хизмати, таълим муассасалари директорлари
2.4	Туман, шаҳарлардаги Давлат солиқ инспекциялари билан	2016 йил	Бошқарманинг ўқув-методик

	биргаликда ота-оналар, ўқувчиларга қулайлик яратиш мақсадида пластик карточкаларга савдо қилиш бўйича тўлов терминаллари ҳамда “Мақтаб ярмаркалари” даги маҳсулотлар нархларни белгиланган миқдордан ортиб етмаслиги бўйича қўнлик мониторинг ташкил этиш.	10 августдан 10 сентябргача	таъминлаш бўлими, маслаҳатчи методистлар хизмати, худудий бошқарманинг туман, шаҳарлардаги координатор директорлари
2.5	Вилоятдаги 41 та ўрга махсус, касб-хунаар таълими муассасаларида ташкил этилган “Мақтаб ярмаркалари” ва унда ота-оналар, ўқувчилар учун яратилган қулайликларни оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш.	2016 йил 10 августдан 10 сентябргача	Бошқарманинг “Раҳбар ва педагог кадрларни танлаш ва уларни малакасини ошириш шўъбаси”, таълим муассасаси директорлари
2.6	2. Янги 2016/2017 ўқув йилига тайёргарлик бўйича белгиланган вазифалар Ўзбекистон Республика Президентининг 2015 25 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги Инвестиция тўғрисида” ги ПҚ-2458-сонли қарори бўйича 11 та (шундан 2 та реконструкция ва 9 та мукаммал таъмирлаш) объектларда қурилиш-таъмирлаш ишларини яқунлаш	2016 йил август	Бошқарманинг “Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш шўъбаси”, худудий бошқарманинг туман, шаҳарлардаги координатор директорлари
2.7	Вилоятдаги барча таълим муассасаларида ўқув-лаборатория, устахона ҳамда ўқув ва ёрдамчи бинолардаги жорий таъмирлаш ишларини яқунлаш.	2016 йил 18 август	Бошқарманинг “Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш шўъбаси”, худудий бошқарманинг туман, шаҳарлардаги координатор директорлари
2.8	Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги ҳамда янги 2016/2017 ўқув йилига тайёргарлик кўриш мақсадида барча таълим муассасалари худудларини ободонлаштириш ва хар бир ўқув хонасини мустақиллигимизни 25 йиллигини ақс эттирувчи паннолар билан безаш.	2016 йил 15 август	Бошқарманинг “Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш шўъбаси”, худудий бошқарманинг туман, шаҳарлардаги координатор директорлари, таълим муассаса

			директорлари	
2.9	2016/2017 ўқув йилида белгиланган вазифалар ва таълим муассасалари олдида турган долзарб вазифалар бўйича барча туман, шаҳарларда анъанавий август кенгашларини ўтказиш. Ушбу кенгашларда соҳалар бўйича шўъбалар кесимида тизимда фаолият юритаётган 13584 нафар педагог ва ишлаб чиқариш таълим усталарини қамраб олиш.		2016 йил 10 – 25 август	Бошқарманинг ўқув-методик таъминлаш бўлими, маслаҳатчи методистлар хизмати, худудий бошқарманинг туман, шаҳарлардаги координатор директорлари
2.10	Барча таълим муассасаларини ўқитилаётган 139 та касблар бўйича ўқув-меъёрий хужжатлар ва таълим стандартлари билан таъминлаш.		2016 йил 25 августга қадар	Бошқарманинг ўқув-методик таъминлаш бўлими, маслаҳатчи методистлар хизмати, худудий бошқарманинг туман, шаҳарлардаги координатор директорлари
	3. Куз-қиш мавсумга тайёргарлик бўйича			
2.11	2016 йилда жорий таъмирлаш режалаштирилган 41 та объектларда жорий таъмирлаш ишлари якунлаш ва 10 та таълим муассасасида 2900м ² том қисми жорий таъмирдан чиқариш, 310 м ² синган ойналар алмаштириш.		2016 йил 20 августга қадар	Бошқарманинг “Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш шўъбаси”, худудий бошқарманинг туман, шаҳарлардаги координатор директорлари, таълим муассаса директорлари
2.12	Вилоятдаги 53 та ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига 2016-2017 йиллар куз-қиш мавсумини беталофат ўтказиш мақсадида ишлаб чиқилган манзилли дастурдаги 142 дона қозонларни алмаштириш		2016 йил 25 августга қадар	Бошқарманинг “Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш шўъбаси”, худудий бошқарманинг туман, шаҳарлардаги координатор директорлари, таълим муассаса директорлари
2.13	2016-2017 йил куз-қиш мавсуми учун режалаштирилган 11,8		2016 йил	Бошқарманинг “Таълим

	<p>МИНГ ТОННА (шундан 4,2 минг тонна брикет) кўмир маҳсулотлари захирасини яратиш ҳамда таълим муассасаларига етиб бориши, сақланишини назорат қилиш.</p>	<p>30 августга қадар</p>	<p>муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш шўъбаси”, худудий бошқарманинг туман, шаҳарлардаги координатор директорлари, таълим муассаса директорлари</p>
<p>2.14</p>	<p>Таълим муассасаларини мавжуд “Ўқувчилар турар жойлари”ни янги ўқув йили ва куз-қиш мавсумига тайёрлиги бўйича коммунал хизмат идоралари ва ДЭСНМ билан биргаликда далолатномлар тузиш.</p>	<p>2016 йил 25 августга қадар</p>	<p>Бошқарманинг “Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш шўъбаси”, худудий бошқарманинг туман, шаҳарлардаги координатор директорлари, таълим муассаса директорлари</p>
<p>2.15</p>	<p>Вилоятдаги 139 та таълим муассасаларидаги мавжуд 1288 дона локал иситиш қозонларни (кучли босим остида ювиш орқали) синовдан ўтказиш</p>	<p>2016 йил 25 августга қадар</p>	<p>Бошқарманинг “Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш шўъбаси”, худудий бошқарманинг туман, шаҳарлардаги координатор директорлари, таълим муассаса директорлари</p>
<p><u>Олий таълим муассасалари бўйича:</u></p>			
<p>3.1</p>	<p>Вилоятдаги олий таълим муассасаларининг 2016/2017 ўқув йилига тайёрлаш, талабаларга сабоқ бериладиган фанлар бўйича зарурий педагог кадрлар билан тўлиқ бутланишини таъминлаш</p>	<p>2016 йил 20 август</p>	<p>ФарДУ, ФарПИ, Қўқон педагогика институти, ТАТУ Фарғона филиали, Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиали ректорлари</p>
<p>3.2</p>	<p>Олий таълим муассасаларида моддий-техника базаларни янги ўқув йилига тайёрлаш, мавжуд компьютер синфи, лингафон синфи, ўқув лаборатория хоналари, компьютер,</p>	<p>2016 йил 15 август</p>	<p>ФарДУ, ФарПИ, Қўқон педагогика институти, ТАТУ Фарғона филиали, Тошкент тиббиёт</p>

	принтер, нусха кўчириш аппарати, сканер, факс, проектор, электрон доскаларни қайта кўриқдан ўтказиш.		академияси Фарғона филили ректорлари
3.3	Олий таълим муассасаларидаги мавжуд ўқув бинолари, аудиториялар, ётоқхоналар ва ёрдамчи иншоотларни янги ўқув йили ҳамда куз-қиш мавсумини бегалофағ ва барқарор ўтказиш учун тайёр ҳолатга келтириш.	2016 йил 20 август	ФарДУ, ФарПИ, Кўқон педагогика институти, ТАТУ Фарғона филиали, Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филили ректорлари
3.4	Олий таълим муассасаларини куз-қиш мавсумида марказлашган иссиқлик тизимига уланиш тармоқлари созлигини текшириш, локал қозонхоналари орқали иситиш учун зарурий кўмир захирасини яратиш.	2016 йил 1 сентябр	ФарДУ, ФарПИ, Кўқон педагогика институти, ТАТУ Фарғона филиали, Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филили ректорлари

Вилоят ҳокимининг 2016 йил

13 августдаги № 252-сонли

қарорига 4-илова

2016-2017 ўқув йили учун Фарғона вилояти халқ таълими, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси ҳамда бозорлар уюшмаси тизимида ташкил этиладиган "Мақтаб бозорлари ва ярмаркалари"

ДИСЛОКАЦИЯСИ

Т/Р	Шаҳар, туманлар номи	Жами ташкил этиладиган мақтаб ярмаркалари	шундан		
			ХТБ тизимида	Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси тизимида	Бозорлар уюшмаси тизимида
1	Марғилон ш	17	5	3	9
2	Фарғона ш	16	6	3	7
3	Қувасой ш	8	5	2	1
4	Қўқон ш	28	7	3	18
5	Боғдод т	9	5	2	2
6	Бешарик т	11	6	2	3
7	Бувайда т	11	6	2	3
8	Данғара т	8	5	2	1
9	Ёзёвон т	10	4	2	4
10	Олтиарик т	10	6	2	2
11	Қўштепа т	10	6	2	2
12	Риштон т	12	7	2	3
13	Сўх т.	8	5	1	2
14	Тошлоқ т	11	6	2	3
15	Учкўприк т	10	6	2	2
16	Фарғона т	18	8	3	7
17	Фурқат т	7	3	2	2
18	Ўзбекистон т	12	8	2	2
19	Қува т	17	10	2	5
	Жами:	233	114	41	78

Фарғона вилоятида 2016-2017 йил ўқув йиллари учун ташкил этиладиган мактаб савдо ярмаркалари
ДИСЛОКАЦИЯСИ

№	Савдо ярмаркалари ташкил этадиган корхоналар	Мактаб савдо ярмаркалари ўтказиладиган манзиллар	Маъсуллар
Қўқон шаҳри			
1	Қўқон шаҳар савдо комплекси	Савдо комплекси худуди	Қўқон шаҳар ҳокимлиги (А.Абдуллаев), шаҳардаги савдо комплекслари ва деҳқон бозори раҳбарлари
2	Қўқон шаҳар Истиклол савдо комплекси	Савдо комплекси худуди	
3	Қўқон шаҳар Музафар савдо комплекси	Савдо комплекси худуди	
4	Қўқон шаҳар "Ризк барака" савдо комплекси	Савдо комплекси худуди	
5	Қўқон шаҳар "Буюк ипак йўли" савдо комплекси	Савдо комплекси худуди	
6	Қўқон шаҳар "Фаробий" савдо комплекси	Савдо комплекси худуди	
7	Қўқон шаҳар "Деҳқон бозори"	Деҳқон бозори худуди	
Фарғона шаҳри			
1	Фарғона шаҳар савдо мажмуаси	Савдо мажмуаси худуди	Фарғона шаҳар ҳокимлиги (Д.Раҳматов), шаҳардаги савдо комплекслари ва деҳқон бозори раҳбарлари
2	Қирғули "Деҳқон бозори"	Деҳқон бозори худуди	
3	А.Қодирий деҳқон бозори	Деҳқон бозори худуди	
4	Фарғона шаҳар Марказий деҳқон бозори	Деҳқон бозори худуди	
Марғилон шаҳри			
1	Марғилон шаҳар "Файз" савдо комплекси	Қумтела савдо комплекси худудида	Марғилон шаҳар ҳокимлиги (Ш.Эркабоев), шаҳардаги савдо комплекслари ва деҳқон бозори раҳбарлари
2	Марғилон шаҳар "Ипакчи Файз тонг" савдо комплекси	Ипакчилар шаҳарчаси	
3	Марғилон шаҳар "Барака савдо" савдо комплекси	Ипакчилар шаҳарчаси	
4	Марғилон Мусаффо сервис савдо комплекси	Қумтела савдо комплекси худудида	
Қувасой шаҳри			
1	Қувасой шаҳар "Деҳқон бозори"	Деҳқон бозори худуди	Қувасой шаҳар ҳокимлиги (А.Зиявитдинов), шаҳардаги савдо комплекслари ва деҳқон бозори раҳбарлари
Боғдод тумани			
1	Боғдод туман "Деҳқон бозори"	Туман марказида Деҳқон бозори худуди	Боғдод тумани ҳокимлиги (С.Зокиров), тумандаги савдо комплекслари ва деҳқон бозори раҳбарлари

№	Савдо ярмаркалари ташкил этадиган корхоналар	Мақтаб савдо ярмаркалари ўтказиладиган манзиллар	Маъсуллар
Бешариқ тумани			
1	Бешариқ Турон саноат савдо савдо комплекси	Савдо комплекси худуди	Бешариқ тумани ҳокимлиги (Н.Отажонов), тумандаги савдо комплекслари ва деҳқон бозори раҳбарлари
2	Бешариқ туман "Деҳқон бозори"	Деҳқон бозори худуди	
Бувайда тумани			
1	Бувайда туман "Савдо комплекси"	Савдо комплекси худуди	Бувайда тумани ҳокимлиги (А.Рахмонов), тумандаги савдо комплекслари ва деҳқон бозори раҳбарлари
2	Бувайда туман "Деҳқон бозори"	Деҳқон бозори худуди	
Данғара тумани			
1	Данғара туман "Деҳқон бозори"	Деҳқон бозори худуди	Данғара тумани ҳокимлиги (Ш.Абдусаломов), тумандаги савдо комплекслари ва деҳқон бозори раҳбарлари
Ёзёвон тумани			
1	Ёзёвон туман савдо комплекси	Савдо комплекси худуди	Ёзёвон тумани ҳокимлиги (С.Тошпўлатов), тумандаги савдо комплекслари ва деҳқон бозори раҳбарлари
2	Ёзёвон туман деҳқон бозори	Деҳқон бозори худуди	
Олтиариқ тумани			
1	Олтиариқ туман деҳқон бозори	Деҳқон бозор кириш қисмида	Олтиариқ тумани ҳокимлиги (А.Бутаев), тумандаги савдо комплекслари ва деҳқон бозори раҳбарлари
Қўштепа тумани			
1	Қўштепа туман "Деҳқон бозори"	Деҳқон бозори худуди	Қўштепа тумани ҳокимлиги (Б.Жуманов), тумандаги савдо комплекслари ва деҳқон бозори раҳбарлари
Риштон тумани			
